

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЧИЛОВ НУРИДДИН АБДУГАФФОРОВИЧ

**АЛ-ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙ АСАРЛАРИ ВОСИТАСИДА
ТАЛАБАЛАРДА МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ФАЗИЛАТЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТЕРМИЗ – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Ачиллов Нуриддин Абдугаффорович Ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш технологияси.....	3
Ачиллов Нуриддин Абдугаффорович Технология развития просветительских качеств у студентов посредством произведений аль-Ҳакима ат-Термези.....	23
Achilov Nuriddin Abdugafforovich Technology of developing educational qualities of students by means of al-Hakim at-Termisiy's works.....	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	47

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЧИЛОВ НУРИДДИН АБДУГАФФОРОВИЧ

**АЛ-ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙ АСАРЛАРИ ВОСИТАСИДА
ТАЛАБАЛАРДА МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ФАЗИЛАТЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

13.00.01-Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТЕРМИЗ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.PhD / Ped 1059 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.tersu.uz ва "ZiyoNET" Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Рўзиева Дилноз Исомжоновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Адизов Бахтиёр Раҳманович
педагогика фанлари доктори, профессор
Ходжаев Бегзод Худойбердиевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «27» 10 соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз ш., Баркамол авлод кўчаси, 43.Тел.: (376) 221-74-55; факс:(376) 221-71-17; e-mail: termizdu@umail.uz).

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14 рақами билан рўйхатга олинган). 190111, Термиз ш., Баркамол авлод кўчаси, 43.Тел.:(376) 221-74-55.

Диссертация автореферати 2020 йил «16» 10 куни тарқатилди
(2020 йил «16» 10 даги 7 - рақамли ресстр баённомаси)



И.Т.Чориев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

М.Қ.Бозорова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

Х.Ж.Худойқулов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қўшидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., доцент

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё микёсида буюк алломалар, мутафаккирлар томонидан яратилган маънавий-маърифий меросни холисона ўрганиш, уларнинг асарларидаги миллат ва жамият бардавомлилигини тараннум этувчи ғояларни тадқиқ қилиш долзарб вазифалар сирасига киради. IX–XII ва XIV–XV асрлардаги юксак тараққиёт даврида яшаб ижод қилган, буюк зотлар қолдирган бой маънавий мерос нафақат Шарқ оламида, балки жаҳон маърифатпарварлигига қўшилган улкан ҳисса ҳисобланади. Шу сабабли бутун дунёда юртимизни маърифат зиёсини тарқатган муқаддас маконлардан бири сифатида ўрганиш ва мутафаккирлар мероси воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда жамият манфаатини ҳимоя қилиш, инсон камолотини кўзлаш, уни шарафлаш, илм-маърифат тарғиботи учун мутафаккирлар ҳаёти ва ижодини ёшлар камолоти йўлида сафарбар этишга доир қатор тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг илмий мероси дунёнинг турли давлатлари – Европа, Осиё, Америка қитъаси мамлакатлари халқларининг тилларига таржима қилинган бўлиб, маърифат, илмга ташналик, инсон камолотида таълим - тарбиянинг ўрни, ватанпарварлик, миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, бой миллий маданий-тарихий анъаналарга ҳамда халқимизнинг интеллектуал илмий меросларини чуқур ўрганишга ва уларни ёшлар онгига сингдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда ёшлар тарбияси, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши, шунингдек, интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялаш йўналишида маълум натижаларга эришилди, жумладан, аждодларимизнинг маънавий меросларини чуқур ўрганиш соҳасида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилди. Таъкидлаш жоизки, ёшларнинг замонавий билимларни ўзлаштиришлари, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлишларига давлат сиёсатидаги муҳим масалалар сифатида эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда алломаларимизнинг илмий меросини тадқиқ этиш ҳамда улар мазмунидаги маърифатпарварлик қарашларидан ёшлар тарбиясида самарали фойдаланиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар асосида «...узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш ва сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, жумладан, жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш»¹ муҳим аҳамиятга эга. Бу борада халқимизнинг интеллектуал бой илмий мероси ва умумбашарий кадриятлари асосида миллий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг самарали тизимини шакллантириш ҳамда ана шу

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси туғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони.

мақсадга хизмат қилувчи алломалар асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш заруратини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармонлари ва 2017 йил 14 февралдаги “Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2774-сон, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ал-Ҳаким ат-Термизий илмий мероси республикамиз олимларидан Э. Ртвеладзе, М. Ҳасаний, Ғ. Жўраева, Ж. Омонтурдиев, Ш. Бобохонов, А. Ирисов, Ш. Сафаров, Т. Аннаев, С. Турсунов, А. Исаев, С. Эргашева, О. Исаев, А. Холмирзаев, М. Азимов, М. Кенжабек, Ҳ. Ҳомидий, А. Абдуллаев, Б. Муртазаев, Р. Абдуллаев, З. Чориев, Ж. Мирзо, У. Уватов, З. Исоқова, И. Усмонов қабилар томонидан тадқиқ этилган. Айниқса, шайх М. Юсуф, А. Шоший, А. Турсунов, Ж. Чўтматовлар томонидан аллома асарларининг ўзбек тилига ўгирилиши унинг ижодини тарғиб қилишда катта аҳамиятга эга.

МДҲ олимларидан М.Е. Массон, В.В. Бартольд, А.А. Семенов, Г.А. Пугаченкова, З.А. Аршавская қабилар томонидан ал-Ҳаким ат-Термизий маънавий меросини ўрганишга катта эътибор қаратилиб, мутафаккирнинг ҳаёти ва ижоди ҳамда аллома ёдгорлигини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

Хориж олимларидан А. Арберри, П. Нвиа, А. Алий, С. Свири, С. Дажони, Н. Хир, А. Палмер, Б. Радтке, Ж. Кане, Л. Массиньон, Й. Маркует, Х. Фуад, Г. Гобиллот, А. Фурат, У. Яҳё, Ҳ. Заудан, М. Жуюший, А. Умар, В. Аҳмад, Б. Фаттоҳ, Д. Кныш, И. Худоёр қабилар томонидан алломанинг илмий меросини ўрганиш асосида кўп жилдли асарлар, диссертациялар, илмий мақолалар ва бошқа тадқиқот ишлари натижалари эълон қилинган.

Юқоридаги илмий изланишлардан маълум бўлишича, аллома қарашларининг педагогик таҳлили эътибордан четда қолган. Чунки педагогик таълимотлар тарихида ал-Ҳаким ат-Термизийнинг маърифатпарварлик қарашлари алоҳида аҳамият касб этади. Бу ҳолат ал-Ҳаким ат-Термизийнинг илмий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш технологиясини махсус тадқиқ этишга асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Термизий алломаларининг педагогик таълимотларини ўрганиш ва улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш” (2016-2018 йй) амалий-тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ал-Ҳаким ат-Термизийнинг тарбиявий-ахлоқий, илмий-фалсафий, психологик-педагогик, маънавий-маърифий қарашларига оид илмий адабиётларни таҳлил қилиш ва илмий-педагогик жиҳатдан асослаш;

ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш технологиясини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган технологиянинг талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантиришдаги дидактик имкониятларни ва талабаларда маърифатпарварлик фазилатларни ривожлантиришга йўналтирилган педагогик тушунчаларни туркумлаштириш ва маърифатпарварлик фазилатларининг ривожланганлик даражаларини аниқлаш;

мамлакатимизда “жаҳолатга қарши – маърифат” эзгу ғояси асосида ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш технологиясини олий таълим жараёнида қўллаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига ТДПУ, БухДУ, ҚарДУ ва ТерДУдан жами 612 нафар талаба жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш шакл, метод ва йўллари танланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида мавзуга оид психологик, педагогик, дидактик, методик, фалсафий, ижтимоий адабиётларни ўрганиш, олий таълим муассасалари учун ДТС, ижтимоий-гуманитар фанлар ўқув дастурлари ва ўқув қўлланма ҳамда дарсликларни илмий-назарий таҳлил қилиш; кузатиш, суҳбат, анкета сўровнома, тест, математик-статистик таҳлил методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ал-Ҳаким ат-Термизийнинг маърифатпарварликка оид қарашларидан имон-эътиқодлилиқ, бағрикенглиқ, мустаҳкам ирода, пок қалблилиқ, виждонлилиқ омилларининг юксак маънавиятли шахсни тарбиялашдаги аҳамияти кўрсатиб берилган, аллома томонидан эътироф этилган “Илм-нурдир” маърифатпарварлик қарашларидан таълим жараёнида фойдаланишнинг назарий имкониятлари педагогик жиҳатдан ривожлантирилган;

ал-Ҳаким ат-Термизий асарларидаги маърифатпарварликка ундовчи ғоялар туркумлаштирилиб, умумийликдан хусусийликка ўтиш орқали маърифатпарварлик фазилатларининг ривожланганлик даражалари шахсга йўналтирилган таълим жараёнида фойдаланишнинг педагогик имкониятлари оила, жамоа, устоз ва шогирд муносабатларини оптималлаштириш асосида кенгайтирилган;

ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш технологиясининг ишончлилиги, самарадорлиги ва унинг ҳақиқий заруратини аниқлаш учун мазмун, усул, восита ва янгича таълим-тарбиявий муҳит яратиш мақсадида аллома асарларининг ҳикоя, ҳикматлар, халқ оғзаки ижоди намуналари мазмунидан фойдаланиш, юксак маънавиятли шахсни тарбиялашга устуворлик бериш асосида ривожлантирилган;

ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларининг ривожланганлик даражаларини аниқлашга хизмат қиладиган мезонлар педагогик кўрсаткичлар асосида диагностик ва мажмуавий ёндашувлар орқали аниқлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларининг ривожланганлик кўрсаткичлари “Термизий алломаларнинг педагогик таълимотлари” махсус ўқув курс дастури орқали ташхис қилишнинг баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган;

ал-Ҳаким ат-Термизий асарларидаги маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш технологиясига йўналтирилган педагогик тушунчаларни туркумлаштириш ва шу асосда Интернет тармоғида маънавий-ахлоқий тавсифдаги челленжлар ишлаб чиқиш асосида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш мазмуни бойитилган;

ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш технологияси суҳбат, учрашув, интервью олиш, давра суҳбати, семинар, конференция, дебат, амалий тренинг, танлов, маъруза, кўргазма ташкил этиш, экскурсия каби шакллар ва тушунтириш, ҳикоя қилиб бериш, ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида маърифатпарварлик фазилатлари мазмунини ёритишга хизмат қиладиган манбаларни ўрганиш, амалий машғулот, намойиш этиш, кўргазмалилик, экскурсия, “Идрок харитаси”, “Ақлий ҳужум”, “Кластер”, “БББ”, “Бумеранг” каби методларнинг дидактик имкониятлари аниқланган;

мамлакатимизда “жаҳолатга қарши – маърифат” эзгу ғояси асосидаги ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш технологияси бўйича “Термизий алломаларнинг педагогик таълимотлари” махсус ўқув курс дастури ишлаб чиқилган ва талабаларда маърифатпарварлик фазилатларининг ривожланганлик даражалари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида билиш назарияси (билиш назариясининг диалектик методи, ўқув фанлари, жамият ва табиат ҳодисаларини таҳлил қилишга тизимли ёндашув) ҳамда педагогика таълими соҳасидаги мамлакатимиз ва хорижлик олимлар, тадқиқот вазибаларига мос ва ўзаро бир-бирини тўлдирувчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқотнинг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги; тажриба-синов ишлари натижаларининг математик-статистик методлар таҳлил ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти махсус методика негизида илгари сурилаётган ғоялар талабаларда илмли бўлиш, илмга эътиқодни мустаҳкамлаш, нафс тарбияси, бағрикенглик, иродали бўлиш, мустақил фикрлаш, ўз-ўзини англаш, ўз фикрларини эркин намоён этиш каби маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантиришда, маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказларида, шунингдек, телевидение ва оммавий ахборот воситалари саҳифаларида махсус рукнларни ташкил этишда самарали фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти илгари сурилган муҳим назарий ғоя, таклиф этилган ишланмалар, таълим жараёнида ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантиришнинг шакл, метод, восита ва йўллари ўқув режа ва дастурларда фойдаланишни такомиллаштириш, “Педагогика тарихи” мазмунини янги тушунчалар билан бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш технологияси бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

ал-Ҳаким ат-Термизийнинг маърифатпарварликка оид қарашларидан имон-эътиқодлилиқ, бағрикенглик, мустаҳкам ирода, пок қалблиқ, виждонлилиқ омилларининг юксак маънавиятли шахсни тарбиялашда фойдаланишга оид берилган таклиф ва тавсиялар юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар “Термизий алломаларининг педагогик таълимотлари” танлов ўқув фани мазмунига сингдирилган (Республика маънавият ва маърифат кенгаши Республика маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 28 январдаги 0207-129-сон маълумотномаси). Натижада, олий таълимнинг Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш таълим йўналиши ҳамда Педагогика назарияси ва тарихи (фаолият турлари бўйича), Педагогика ва психология

магистратура мутахассисликларида ўқитиладиган танлов фанлари мазмунини бойитишга эришилган;

ал-Ҳаким ат-Термизий асарларидаги миллат ва жамият бардавомлигини тараннум этувчи ғояларини тадқиқ қилишга оид илмий-амалий таклиф ва тавсиялар “Педагогик диагностика ва коррекция” дарслиги мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 майдаги 394-сон буйруғи асосида берилган 394-097-сон маълумотномаси). Натижада, ал-Ҳаким ат-Термизий тарбиявий-ахлоқий қарашларидан фойдаланган ҳолда, умумийликдан хусусийликка ўтиш орқали баркамол инсонни тарбиялаш мезонлари такомиллаштирилган;

ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантиришнинг дидактик, когнитив, дивергент тафаккурни ривожлантирувчи имкониятлари ҳамда ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларининг ривожланганлик даражаларини аниқлашга хизмат қиладиган мезонларига оид таклифлар 2015-2017 йилларда бажарилган КА-1-003 “Ёшларда ватанпарварлик дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик технологиялари ягона тизимини ишлаб чиқиш” номли грант доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 26 февралдаги 89-03-849-сон маълумотномаси). Натижада, ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантиришга қаратилган педагогик тизимнинг самарадорлик даражасини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 9 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманда муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация ишининг натижалари ОАК томонидан тавсия этилган 6 та (шундан 2 таси хорижий) илмий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, 8 параграф, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 136 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, унинг фан ва технологиялар ривожининг устувор йўналишларига мослиги асосланиб, ишнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинган ишлар ва тузилиши кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Ал-Ҳаким ат-Термизий педагогик меросини ўрганишнинг илмий-назарий асослари**” деб номланиб, унда ал-Ҳаким ат-Термизийнинг асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш долзарб ижтимоий

педагогик муаммо эканлиги эътироф этилади. Шунингдек, бобда ал-Ҳаким ат-Термизий педагогик меросининг Шарқ ва Ғарб олимлари томонидан ўрганилиши, аллома асарларидан олий таълим тизимида фойдаланишнинг мавжуд ҳолати ва уни такомиллаштириш йўллари ҳақида фикр баён этилади.

Мамлакатимизда ватанпарварлик, ўз Ватани учун ифтихор туйғусининг шаклланаётганлиги ва миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, бой миллий маданий-тарихий анъаналарга ҳамда халқимизнинг интеллектуал илмий меросига ҳурмат билан қарашга ундайди. Шу жиҳатдан олганда, ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой маънавий, интеллектуал мероси, умумбашарий қадриятларига асосланган самарали ташкилий педагогик шакл ва методларини яратиш ҳамда воситаларини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида “...талабалар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган мажмуали чоратадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ қилиш, жумладан, талабаларни маданият ва санъат, жисмоний маданият ва спортга жалб қилиш, уларнинг компьютер ва Интернет технологияларидан фойдаланиш саводхонлигини ошириш, китобхонликни кенг тарғиб қилиш, талаба-қизларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш” қайд этилган. Шу билан бирга, талабаларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни ёт ғоя ва турли оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилган. Талабаларни ахлоқий негизларини бузилишига олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, диний экстремизм ва терроризм, фундаментализм, сепаратизм, шафқатсизлик ва зўравонлик каби ғоялардан ҳимоялашда Мовароуннаҳр заминидан етишиб чиққан буюк алломалар ижодини ўрганиш, ёш авлодда мустақил ва бахтли ҳаёт учун зарур ижтимоий малака ҳамда фазилатларни ёшига мос, босқичма-босқич шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур бобда Мовароуннаҳр заминининг илк тасаввуф - “Ҳакимия” тариқатининг асосчиси-ватандошимиз ал-Ҳаким ат-Термизийнинг илмий педагогик мероси таҳлил этилган. Ал-Ҳаким ат-Термизий танлаган йўл илм, маърифатпарварлик йўли бўлиб, ҳар бир асарида илмга алоҳида урғу беради ва ҳар бир инсонни илмли бўлишга чорлайди.

Ал-Ҳаким ат-Термизий асарларининг бош ғояси-шахснинг илмли, маърифатли бўлиши. Илмни нур, шу нур-илм инсонни Аллоҳ васли томон йўналтиришини таъкидлайди.

Биобарин, ижтимоий-гуманитар фанлар, маънавий-маърифий тадбирлар орқали талабаларда маънавий тарбия кўникма ва малакаларни таълим-тарбия мазмунига сингдириш ва уларни амалиётда қўллай олиш имконини берувчи амалий машқ, топшириқ ва педагогик вазиятларни ишлаб чиқиш тақозо этилмоқда.

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг мукамал илми ва беқиёс салоҳиятига кўпчилик алломалар юксак баҳо берганлар. Жумладан, Абдурахмон Сулабий, Ҳужвирӣ, Фаридуддин Аттор, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдурахмон Жомӣ, Алишер Навоӣ ва бошқа алломалар мутафаккир ижодини эҳтиром билан тилга олганлар.

М. Массон, Г. Пугаченкова, З. Аршавская, Э. Ртвеладзе, З. Ҳакимов, шайх А. Абдулло, И. Абдуллаевлар мутафаккирнинг фалсафӣ, динӣ, педагогик таълимотини ўрганган.

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг ҳаёти ва меросига бағишланган илмий ишлар XX аср мобайнида дунёнинг турли олимлари томонидан тадқиқ этилди. АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Россия, Туркия, Исроил, Эрон каби мамлакатларда алломанинг илмий меросини ўрганиш асосида кўп жилдли асарлар, диссертациялар, илмий мақолалар ва бошқа тадқиқот ишлари натижалари эълон қилинган. Артур Арберри, Николас Ҳир, Самер Дажони, Абдуллоҳ Умар, Вожих Аҳмад, Йвес Маркует, Паул Нвиа ва бошқалар томонидан атрофлича ўрганилган.

Мамлакатимизда А. Абдуманнотов, А. Тилегенов, Б. Караева, О. Мусурмонова, М. Қуронов, С. Нишонова, Д. Рўзиева, А. Чориевларнинг илмий-тадқиқот ишларида мустақиллик, миллий маънавий-ахлоқий тарбия назарияси ва амалиёти, маънавий мероснинг шахс камолотига таъсири, Шарқ алломаларининг комил инсон борасидаги қарашлари ўз ифодасини топган. Ал-Ҳаким ат-Термизий маънавий меросини ўрганиш бўйича шарқшунослик, тарихшунослик, ҳуқуқшунослик, адабиётшунослик, тасаввуфшунослик, фалсафа йўналишларидаги тадқиқот ишлари мавжуд. Бироқ аллома қарашларининг аниқ педагогик таҳлили эътибордан четда қолганлиги мазкур бобда илмий асослаб берилган. Шунингдек, “маърифат”, “маънавият”, “билим”, “илм”, “маданият” каби тушунчаларга турли манбаларда келтирилган шарҳлар таҳлили акс эттирилган ва ушбу тоифаларга муаллиф томонидан таъриф берилган ҳамда маърифат кишиларнинг онгини, билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия, табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги турли билимлар, маълумотлар мажмуасини билдириши эътироф этилган.

Аллома “Аллоҳ”, “Маърифат”, “Илм” истилоҳларини ёнма-ён қўллаб, “Маърифат ал-илм биллоҳ” - “Аллоҳни билим билан таниш” шиорини илгари суради. Аллома асарлари саҳифаларида сингдирилган бундай донишмандона ҳикматлар ва улардаги педагогик ғоялар, илгари сурилган муддаоларнинг ўзи алоҳида мавзу, чунки бу донолик намуналари инсонларни ҳамиша эзгулик сари даъват этади.

Улуғ алломалар Фаридуддин Аттор, Алишер Навоӣ, Баҳоуддин Нақшбандлар ал-Ҳаким ат-Термизийнинг илмий меросини эҳтиром билан ўрганиб, фикрларини баён қилганлар. Мир Алишер Навоӣ ҳам “Насойим ул-муҳаббат” асарида у зотни қуйидагича таърифлаб: “Машойихи

кибординдур (шайхларнинг улуғларидандир), кўп ҳадиси бор ва зоҳир каромоти ва таснифи дағи бор”²-дейди.

Қадимшунос олим М. Массон раҳбарлигида 1936-1938 йилларда эски Термизда илк бор олиб борилган тадқиқот ишлари натижаси махсус тўплам (1940-1945 йй.)ларда нашр этилган. 1960 йилда ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси ва ундаги битиклар ўрганиб чиқилди ва улар (сағана пештоқи ва атрофидаги ёзувлар) рус тилига В. Бартольд ва А. Семеновлар томонидан таржима қилинди. Қадимшунос олимлар Г. Пугаченкова³, З. Аршавская, Э. Ртвеладзе, З. Ҳакимовларнинг⁴ илмий изланишлари таҳсинга сазовор. Аллома ҳаёти ва илмий мероси ҳақидаги илк мақола профессор Ж. Омонтурдиев томонидан Сурхондарё вилояти газетасида “Наврўзнома” тўғрисида эълон қилинган эди. Айниқса, 1990 йили таниқли шарқшунос И. Абдуллаевнинг “Ҳаким Термизий”⁵ номли мақоласининг чоп этилиши аллома меросига бўлган қизиқишни янада орттирди. Сўнгги йилларда юртимизда алломанинг илмий меросини ўрганишга бўлган қизиқиш янада ошди. Ўзбек олимларининг мақола, рисолалари чоп этила бошланди. М. Ҳасаний, Ғ. Жўраева, Ж. Омонтурдиев, З. Чориев, Т. Аннаев, С. Турсунов, Б. Муртазоевлар⁶ ал-Ҳаким ат-Термизийнинг диний-фалсафий ва тасаввуф тариқатига қўшган ҳиссасини ўрганишни давом этишмоқда.

Немис шарқшуноси Берндт Радтке XX асрнинг 80-йилларида ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаёти, олим асарлари, айниқса, унинг “Ҳакимия” тариқатининг асосларига бағишланган бир неча мақолалари ва монографиясини нашр этишга муваффақ бўлди. Европа исломшунослари орасида ал-Ҳаким ат-Термизий меросини ўрганишда сермахсул фаолият олиб борган олим Йвес Маркет 1976 йилда Дакарда француз тилида “Al-Hakim al-Tirmidhi et le neoplatonisme de son temps” (“Ал-Ҳаким ат-Термизий ўз даврининг неоплатони”) ⁷ асарини нашр қилди. Россия ва Эронда ҳам ал-Ҳаким ат-Термизий меросини ўрганиш борасида самарали ишлар амалга оширилган. Шарқшунос, исломшунос Д. Кныш⁸ 1991, 1998 йилларда “Ислом” сарлавҳаси остидаги қомусий луғат ва тўпламларда алломага бағишланган мақолаларини эълон қилди.

Умуман олганда, ал-Ҳаким ат-Термизийнинг илмий мероси дунёнинг турли мамлакатларида ўрганилиб, аллома ҳаёти ва асарлари асосида илмий фаолиятига бағишланган кўплаб тадқиқот ишлари амалга оширилганлигининг гувоҳи бўламиз. Бироқ улар, асосан, қадимшунослик, тарихшунослик, таржимонлик, адабиётшунослик, шарқшунослик ва

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. - Т.: “Фан”, 2001. - 79 бет.

³ Пугаченкова Г. Термез. Шахрисабз. Хива. - Москва: Искусство, 1976. - 208 с.

⁴ Аршавская З.А. и др. Средневековые памятники Сурхандарьи. – Ташкент: Изд. лит.и искусства, 1982. - 152 с.

⁵ Абдуллаев И. Ҳаким Термизий. Сурхондарё вилояти газетаси. 1990 йил, 9 сентябрь.

⁶ Турсунов С., Муртазоев Б. Термизийларнинг илмий тафаккури. - Т. “O‘zbekiston”, 2016. - 30 бет.

⁷ Marquet Yves. Al-Hakim al-Tirmidhi et le neoplatinisme de son temps. Annales de la Faculte des Lettres et Sciences Humaines. Dakar.VI. (1976.) 263-306. VII (1977.) – P. 151-181.

⁸ Кныш Д.А. Ат-Термизий, ал-Ҳаким Абу Абдуллах Мухаммад ибн Али. Ислам. Энциклопедический словарь. - Москва: Наука, 1991.

тасаввуфшунослик йўналишларида олиб борилган. Натижада, аллома илмий меросининг аниқ педагогик таҳлили эътибордан четда қолган. Ҳолбуки, педагогик таълимотлар тарихида ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантиришнинг ўрни бекиёс.

Ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантиришнинг мавжуд ҳолатини ўқув, ўқув-методик, илмий-тадқиқот ишлари, устоз-шогирд анъаналарини ўрганиш орқали амалга ошириш мақсад қилиб олинди.

Олий таълим муассасаларида ижтимоий-гуманитар фанлар блокига кирувчи ўқув дастурларини ўрганиб, қиёсий таҳлил қилиш асосида: “Умумий педагогика”, “Педагогика назарияси ва тарихи”, “Педагогик технология ва педагогик маҳорат”, “Халқ педагогикаси”, “Қиёсий педагогика”, “Ижтимоий педагогика”, “Оила педагогикаси”, “Ижтимоий фалсафа”, “Диншунослик”, “Дунё динлари тарихи”, “Маънавиятшунослик”, “Ўрта Осиё алломаларининг илмий мероси ва тасаввуф тариқатлари тарихи”, “Ғоялар фалсафаси”, “Қадриятлар фалсафаси”, “Фалсафанинг умумназарий масалалари” фанларида ал-Ҳаким ат-Термизий илмий-маънавий меросидан самарали фойдаланиш имкониятлари кенг.

Олий таълим муассасаларида ўрганиладиган “Умумий педагогика” фани дастурига, асосан, “Педагогика назарияси” курсида ўқитиладиган “Шахснинг ривожланиши, тарбияси ва ижтимоийлашуви”; “Талабаларнинг илмий дунёқарашини шакллантириш. Ақлий тарбия”; “Маънавий-ахлоқий тарбия” каби мавзуларда алломанинг шахс тарбиясида билиш (маърифат) назариясига доир фикрлари муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, аллома китобларида илмни маърифат ва ҳикматга боғлаган ҳамда покликка асосланган ғоя сифатида талқин қилиши, одобни “амаллар гилами”⁹ деб таърифлаши, ҳар бир амал одоб билан бажарилса, юқори самара бериши мазкур мавзулар мазмунига сингдирилиши мақсадга мувофиқ. Педагогика назариясининг “Педагогик маҳорат” бўлимида: педагогик фикр тарихи ва мактаб амалиётида ўқитувчи маҳорати масалалари; ўқитувчи фаолиятида муомала маданияти ва психологияси мавзуларида фойдаланиш ижобий натижа беради.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантиришнинг педагогик асослари”** деб номланиб, унда ал-Ҳаким ат-Термизийнинг “Наврўзнома”, “Солнома”, “Манозил ул-ибод мин ал-ибода”, “Жавоб ал-масоъил саъалаҳу аҳлу Сараҳс анҳо” (“Сараҳс шаҳри аҳли сўраган масалалар жавоби”) асарларида акс эттирилган педагогик ғоялар, сифатлар, омиллар, методлар, Ҳакимия таълимотида шахс камолоти тушунчалари ўз ифодасини топган (1-расм).

⁹ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан Ҳаким Термизий. Наводиру-л-усул фий маърифати аҳадийси-р-расул. - Байрут, 2010. VII. -Б. 156-157.



1-расм. Ҳақимия таълимотида ёш давларининг таснифланиши.

Ал-Ҳақим ат-Термизий ўзининг “Ақл ва хаво”, “Адаб ун-нафс”, “Риёзат ун-нафс” ва “Баён ул-касб” асарларида нафсни ташқи ва ички (зоҳирий ва ботиний) қисмга ажратиб, ички томонида ёмонликлар жам бўлиши, ташқи томонида ижобий ёки салбий сифатлардан қайси бири юқори бўлса, ўша ғолиб бўлишини таъкидлайди. Ижобий сифатларнинг ғолиб бўлишида илму маърифатли бўлиш ғоясини илгари суради (1-жадвал).

1-жадвал


Ал-Ҳақим ат-Термизийнинг педагогик қарашларида инсонда тарбия воситасида шакллантириладиган сифатларнинг гуруҳланиши.

Ижобий сифатлар	Салбий сифатлар
Яхшилик	Ёвузлик
Сабрлик	Сабрсизлик
Тўғрилиқ	Қинғирлик
Хушёрлик	Ғафлат
Фаҳмлилик	Ваҳм
Маърифат	Жаҳолат
Ҳилмлилик	Нодонлик
Шукроналик	Норозилиқ

Ал-Ҳақим ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантиришнинг субъектив

хусусиятлари қаторига шахс барқарорлиги, характер мустаҳкамлиги, эҳтиёж, мотив, маслак, салоҳият пухталиги, ўзини ўзи бошқариш методининг қатъий равишда шаклланганлиги киради. Бу омил атрофга ижобий муносабат, кўтаринки кайфият, фаолият самарадорлиги, беғараз муносабат, бағрикенглик ва қалб сокинлигини таъминлашга хизмат қилиши табиий.

Ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантиришда қуйидаги психологик омилларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим (2-расм).



2-расм. Ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантиришнинг психологик омиллари.

2-расмдан кўришиб турибдики, ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш жараёнида уларнинг ҳамжихатликда ўқув материални англай олишлари, методларни қўллаб билиш, таълим жараёнини лойиҳалаштира олиш кўникмасига эришиш – буларнинг барчаси ўзаро ҳамкорликда ишлаш механизмларининг оқилона ташкил қилишдан далолат беради.

Диссертациянинг учинчи боби “Талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишлари мазмуни, натижалари ва самарадорлик даражаси” деб номланиб,

унда ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантиришга доир тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси ўз ифодасини топган.

Ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш учун тажриба-синов ишлари таҳлил, синтез, таққослаш натижасида амалга оширилади. Тажриба-синов ишлари 2016-2020 йилларда ТДПУ, БухДУ, ҚарДУ ва ТерДУда амалга оширилиб, жами 612 нафар талаба ва 86 нафар профессор-ўқитувчи жалб қилинди.

Ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантиришда, асосан, алломанинг ҳаёти, ижоди ва айниқса, асарларидаги маърифатпарварликка оид қарашларининг моҳияти ўрганилди; ижодининг баркамол авлодни тарбиялашдаги аҳамияти баҳоланди.

Ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш борасида ташкил этилган амалий фаолият учун объект (тажриба майдончаси) сифатида ТерДУ “Педагогика” факультети, ҚарДУ “Педагогика” факультети, ТДПУ “Педагогика ва психология” факультети, БухДУ “Педагогика” факультети танлаб олинди.

Тажриба-синов ишларини тизимли, изчил йўлга қўйиш учун “Педагогика назарияси ва тарихи”, “Педагогик маҳорат”, “Халқ педагогикаси”, “Қиёсий педагогика”, “Ижтимоий педагогика”, “Оила педагогикаси” каби фанларнинг бу борадаги имкониятлари ўрганилди.

Тадқиқот ишини амалга ошириш жараёнида тажриба-синов ишларини ташкил этишда самарали бўлган шакл, метод ва воситаларни белгилашга муваффақ бўлинди. Улар қуйидагилардан иборат:

а) суҳбат, учрашув, педагогик кузатув, анкета ва тест сўровларини ташкил этиш, интервью олиш, давра суҳбати, семинар, конференция, дебат, амалий тренинг, танлов, маъруза, кўргазма ташкил этиш, экскурсия каби шакллардан;

б) тушунтириш, ҳикоя қилиб бериш, ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида маърифатпарварлик фазилатлари мазмунини ёритишга хизмат қиладиган манбаларни ўрганиш, амалий машғулот, намойиш этиш, кўргазмалилик, экскурсия, “Идрок харитаси”, “Ақлий хужум”, “Кластер”, “БББ”, “Бумеранг” каби методлар;

в) ўқув манбалари, аллома ижоди борасида маълумотлар берадиган илмий, фалсафий йўналишларда яратилган асарлар, техник ва ўқув жиҳозлари, ахборотли технологиялар (радио, телевизор, компьютер, проектор, видео ва аудио магнитофонлар) каби воситалар.

Ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш технологиясини ишлаб чиқишга йўналтирилган тажриба-синов ишларини амалга ошириш мақсадида 52 соатли (26 соат маъруза, 26 соат амалий машғулот) “Термизий алломаларининг педагогик таълимотлари” ўқув фани танлов фан сифатида ТерДУ ва ҚарДУ “Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш” бакалавриат

таълим йўналиши ва “Педагогика назарияси ва тарихи”, “Педагогика ва психология” магистратура мутахассисликларида, шунингдек, БухДУ ва ТДПУ талабаларига тўғарак машғулоти сифатида ўқитилди. Педагогик фаолиятни турли хилдаги шакл, метод ва воситалар ёрдамида ташкил этиш талабаларда бу борада уюштирилаётган маърифий тадбирларда фаол иштирок этиш учун рағбат уйғотади.

Тажриба-синов жараёнида 612 нафар талаба қатнашди. Ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларининг ривожланганлик даражалари сифат кўрсаткичларига асосан математик-статистик метод ёрдамида қайта таҳлил қилиниб, юқори, ўрта ва қуйи даражаларга ажратилди (2-жадвал).

2-жадвал

Тажриба-синовда қатнашган талабаларда маърифатпарварлик фазилатларининг ўзлаштириш даражалари.

Тажриба синов ўтказилган вақт	Гуруҳлар	Талабалар сони	Ўзлаштириш даражалари		
			Юқори	Ўрта	Қуйи
Тажриба бошида	Тажриба	304	61	124	119
	Назорат	308	63	123	122
Тажриба охирида	Тажриба	304	137	136	31
	Назорат	308	98	151	59

3-жадвал

Стьюдентнинг танланма мезони, Пирсоннинг мувофиқлик мезони ва ишончли четланишлар асосида ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини кўрсатувчи ўзлаштириш даражалари таҳлили.

\bar{X}	\bar{Y}	S_x^2	S_y^2	C_x	C_y	$T_{x,y}$	K	$X_{n,m}^2$	Δ_x	Δ_y
2,35	2,13	0,43	0,4931	1,610	1,873	4	608	15,99	0,074	0,078

Олинган натижаларга асосланган ҳолда, ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларининг ривожланганлик даражалари математик-статистик метод ёрдамида таҳлил


қилиниб, тажриба якунидаги ҳолат учун топилган натижалардан ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стъудентнинг танланма мезони, мазкур мезон асосида эркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик мезони ва ишончли четланишлари топилди (3-жадвал).

Тажрибадан олдинги ва кейинги кўрсаткич натижаларидан Нейман ғояси асосида ишончли интерваллар топилди:

$$\bar{X} - t_{kp} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_{kp} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} \quad \bar{Y} - t_{kp} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_{kp} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}}$$

Тажрибадан кейинги ўзлаштириш кўрсаткичлари ва талабалар сонини мос равишда X_i, n_i лар ва шу каби тажрибадан олдингисини эса Y_j, m_j лар асосида белгилаб олиниб, қуйидаги статистик гуруҳларга ажратилган вариацион қаторларга эга бўламиз. Ўзлаштириш кўрсаткичларини юқори 3 балл, ўрта 2 балл ва қуйи 1 балл билан белгиланди.

Бу танланмаларга мос келган диаграмма қуйидагича кўринишни олади:



3-расм. Талабаларда ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаёти ва асарлари юзасидан эгалланган билимлар диаграммада ифодаланиши.

Статистик таҳлилни тажрибадан олдинги ва кейинги натижалар бўйича ўртача ўзлаштиришларни ҳисоблашни қиёслашдан бошлаймиз. Натижада ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари қуйидагиларни беради:

$$\bar{X} = \sum_{i=1}^{n=3} p_i X_i = 0,45 \cdot 3 + 0,45 \cdot 2 + 0,10 \cdot 1 = 1,35 + 0,9 + 0,1 = 2,35$$

$$\bar{X}\% = \frac{2,35}{3} \cdot 100\% = 78,3\%$$

$$\bar{Y} = \sum_{i=1}^{n=3} q_j Y_j = 0,32 \cdot 3 + 0,49 \cdot 2 + 0,19 \cdot 1 = 0,96 + 0,98 + 0,19 = 2,13$$

$$\bar{Y}\% = \frac{2,13}{3} \cdot 100\% = 71\%$$

Демак, тажрибадан кейинги ўртача ўзлаштириш (78,3-71)% = 7,3 % га юқори эканлиги аниқланди. Бу ўз навбатида $\frac{78,3\%}{71\%} = 1,1$ баробар ортиқ эканлигини англатади.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{yco} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,35 - 0,074}{2,13 + 0,078} = \frac{2,276}{2,208} = 1,03 > 1;$$

$$K_{oob} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,35 - 0,074) - (2,13 - 0,078) = 2,276 - 2,052 = 0,224 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезонининг бирдан катталиги ва билиш даражаларини баҳолаш мезонининг нолдан катталигини кўришимиз мумкин. Бунда, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш натижаси назорат гуруҳидаги ўзлаштириш натижасидан юқори эканлиги, ўтказилган тажриба-синов даражалари самарадорлиги статистик таҳлилдан маълум бўлди.

ХУЛОСА

1. Ал-Ҳаким ат-Термизий асарларида илмни бўлиш, нафс тарбияси, маърифатпарварлик каби тушунчалар ўрганилди ва ўз моҳиятини англаш мазмуни бугунги кун баркамол авлодини тарбиялаш талаблари билан солиштирилди. Аллома асарларида устоз-шогирд муносабатларида ўқитиш фаолияти: шарафли ва сохта устозлар; педагогик таъсир кўрсатиш ва ўқитиш усулларида талаб, истиқбол, рағбатлантириш ва жазолаш, суҳбат, савол-жавоб, имтиҳон; ўқиш фаолиятида муносиб шогирдлар, укувсиз, бепарво шогирдлар кўринишида мавзуй тартибда тузилишининг ҳозирги таълим-тарбия жараёнини мазмунан бойитишдаги аҳамияти кўрсатиб берилди.

2. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг маърифатпарварликка оид қарашларида имон-эътиқодлилик, бағрикенглик, мустаҳкам ирода, пок қалблилик, уйғоқ виждонлилик омиллари бугунги кунда юксак маънавиятли шахсни тарбиялашдаги аҳамияти ўрганилиб, ал-Ҳаким ат-Термизий томонидан эътироф этилган “Илм-нур” маърифатпарварлик қарашларидан таълим

жараёнида фойдаланишнинг назарий имкониятлари педагогик жиҳатдан ривожлантирилди. Таълим жараёнида ва аудиториядан ташқари тарбиявий ишларни ташкил этишда ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида маърифатпарварлик қарашларидан фойдаланиш таълимнинг замонавий шакл (махорат гуруҳлари), метод (мантикӣ, умумназарий, интерфаол) ва восита (электрон дарслик, кейс топшириқ)лари самарали эканлиги аниқланди.

3. Ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантиришнинг тажриба-синов ишлари натижалари ҳамда самарадорликни баҳолаш мезонининг бирдан катталиги ва билиш даражаларини баҳолаш мезонининг нолдан катталиги аниқланди. Ўтказилган изланишлар асосида ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш бўйича қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

а) олий таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича яратилаётган янги авлод ўқув адабиётлари мазмунида ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантиришга оид адабиётларни яратиш бўйича танлов эълон қилиш;

б) ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантиришга имкон берувчи дарс ва дарсдан ташқари машғулотларнинг амалга оширилишига эътиборни қаратиш;

в) талабаларда, “Илм-нур”, “Нафс тарбияси – ҳалоллик вакцинасининг методологик асоси” мавзуларидаги ижодий ишлар танловини ва ўқув режаларидаги танлов фанларда “Термизий алломаларининг педагогик таълимотлари” ўқув курсини ўқитишни ташкил этиш;

г) оммавий ахборот воситалари саҳифаларида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини шакллантиришга кўмаклашувчи материалларни мунтазам бериб бориш.

4. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг педагогик таълимотидан фойдаланиб ишлаб чиқилган технологиянинг ишончилиги, самарадорлиги ва унинг ҳақиқий заруриятини аниқлаш учун мазмун, усул, восита ва янгича таълим-тарбиявий муҳит яратиш мақсадида аллома асарларининг ҳикоя, ҳикматлар, халқ оғзаки ижоди намуналари мазмунидан фойдаланиш, юксак маънавиятли шахсни тарбиялашга устуворлик бериш асосида ривожлантирилди. ТерДУ ва ҚарДУ да олий таълимнинг “Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш” таълим йўналиши ҳамда “Педагогика назарияси ва тарихи (фаолият турлари бўйича)”, “Педагогика ва психология” магистратура мутахассисликларида ўқитиладиган “Термизий алломаларнинг педагогик таълимотлари” танлов фанларини ўқитишда талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш (қадриятларга эга бўлганлик даражалари, фуқаролик эътиқодининг шаклланганлиги, ижтимоий-сиёсий фаоллик даражалари) ни баҳолашда қўллаш учун тавсия этилди.

5. Тадқиқот жараёнида ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларининг ривожланганлик даражасини аниқлашга хизмат қиладиган мезонлар ишлаб чиқилди ва бу мезонлар асосида олий таълим муассасалари, талабалар фаолиятини билвосита ва бевосита кузатиб бориш, талаба ва ўқитувчилар билан ҳамкорликда маъруза, амалий, семинар ва тренинглар, конференция, давра суҳбати, дебат ва баҳс-мунозараларни ташкил этиш асосида асословчи тажриба-синов ишлари натижаларини эътиборга олган ҳолда, уларда ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида маърифатпарварлик фазилатларининг ривожланганлик даражасини сифат кўрсаткичларига асосан математик-статистик методлар ёрдамида қайта таҳлил этишга имкон берувчи юқори, ўрта ва паст даражаларга ажратиш тавсия этилди.

6. Ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларининг ривожланганлик даражалари математик-статистик методлар ёрдамида таҳлил қилиниб, тажриба-синов ишларига 2016-2020 йилларда ТДПУ, БухДУ, ҚарДУ ва ТерДУдан жами 612 нафар талабалар жалб қилинди ҳамда тажриба якунидаги ҳолат учун топилган натижалардан ўртача ўзлаштириш 7,3 % га ортганлиги аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТЕРМЕЗСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТЕРМЕЗСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АЧИЛОВ НУРИДДИН АБДУГАФФОРОВИЧ

**ТЕХНОЛОГИЯ РАЗВИТИЯ ПРОСВЕТИТЕЛЬСКИХ КАЧЕСТВ
У СТУДЕНТОВ ПОСРЕДСТВОМ ПРОИЗВЕДЕНИЙ АЛЬ-ХАКИМА
АТ-ТЕРМЕЗИ**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТЕРМЕЗ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № 30.09.2014/B2014.5.Ped97.

Диссертация выполнена в Термезском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tersu.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).


Научный руководитель:	Рузиева Дилноз Исомжоновна доктор педагогических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Адилов Бахтиёр Рахманович доктор педагогических наук, профессор Ходжаев Бегзод Худойбердиевич доктор педагогических наук, профессор
Ведущая организация:	Ташкентская область Чирчикский государственный педагогический институт


Защита диссертации состоится «27» 10 2020 года в 13⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 при Термезском государственном университете. (Адрес: 190111, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.:(99876) 223-13-11, 221-74-55; факс: 0 (376) 221-76-90; e-mail: termizdu@umail.uz).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Термезском государственном университете (зарегистрирована за № 14). (Адрес: 190111, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.:(99876) 223-13-11, 221-74-55; факс: 0 (376) 221-76-90; e-mail: termizdu@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан «16» 10 2020 года
(реестр протокола рассылки № 1 от 16.10 2020 года).




И.Т. Чарнев
председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор


М.К. Бозорова
Ученый секретарь Научного Совета по
присуждению ученых степеней, к.п.н., доцент


Х.Ж. Худойкулов
председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, д.п.н., доцент.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день одной из насущных задач является объективное изучение духовного и просветительского наследия, созданного великими учеными и мыслителями всего мира, изучение их идей, воплощенных в их трудах, прославляющих самобытность и нерушимость нации и общества. Богатое духовное наследие, доставшееся нам от великих предков, живших и творивших в IX–XII и XIV–XV веках, является значительным вкладом в мировую сокровищницу просветительства не только Востока, но и всего человечества. Вот почему весь мир с нескрываемым интересом пытается разгадать тайну священной земли, подарившей великих гениев всему человечеству.

Вопросы мобилизации достижений жизни и богатого творчества мыслителей, ориентированные на развитие молодежи, относятся к числу научных изысканий, представляющих особый интерес в мире, а также в нашей стране, и в этом направлении проводятся значительные исследования. Научное наследие аль-Хакима ат-Термези было переведено на языки народов разных стран мира – Европы, Азии, Америки. Эффективное использование просветительских взглядов и достижений ученых, внесших значительный вклад в развитие мировой науки рассматриваются в научных исследованиях как основной фактор формирования и воспитания в развитии сознания и мышления молодежи на основе просвещения и имеет первостепенное значение в становлении личности.

В нашей стране достигнуты определенные результаты в области воспитания молодежи, ее всестороннего развития, а также в деле воспитания молодежи с интеллектуальным потенциалом, в том числе, масштабной деятельности в области углубленного изучения духовного наследия наших предков. Следует отметить, что приобретение современных знаний, истинного просвещения и высокой культуры - важные вопросы государственной политики. В связи с этим, актуальным является изучение научного наследия наших ученых и эффективное использование просветительских взглядов, их содержания в воспитании молодежи. На основе задач, изложенных в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан «... продолжить путь дальнейшего совершенствования системы непрерывного образования и увеличения возможностей получения качественных образовательных услуг, в том числе воспитания физически здоровых, умственно и интеллектуально развитых, независимых, патриотических, сильных взглядов на жизнь»¹⁰, он играет важную роль. Потому, необходимо сформировать эффективную систему обучения, основанную на достижениях национальной культуры, экономики, науки, техники и технологий, на основе богатого интеллектуального наследия и общечеловеческих ценностей нашего народа, а также

¹⁰ Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» УП-4947 от 7 февраля 2017 год.

совершенствовать технологии развития у студентов просветительской деятельности через труды ученых.

